



# MUZRABOT

O'zbekiston—  
kelajagi  
buyuk  
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqqan boshlagan  
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 31-yanvar  
Juma № 2 (4498)

## Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

**Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг 2025 йил 7 июндаги 312-сон қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Ж.Иззатуллаевнинг маърузалари эшитилди.

Сессия ишига 16-Байналмилал сайлов округидан депутат С.Нурмаҳматов раислик қилди.

Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон қарорига асосан бириктирилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича туман сектор раҳбарларининг 2024 йилнинг 4-чорагида амалга оширилган ишлари буйича ҳисоботлар ҳамда 2025 йил 1-чорага мўлжалланган "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш юзасидан" туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Холниёзов, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ф.Худоев, шунингдек, кун тартибидagi масала ҳамда "2024 йил давомида туманда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш йўналишларида олиб

борилган ишлар тўғрисида" туман прокурори И.Ҳўжамуротов, "Туманда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати, шунингдек, жамоат ҳаётидаги ҳақида 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида" туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ҳ.Шукуров маъруза қилдилар.

Сессияда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сон Фармонининг туманда ижроси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Музработ туманидаги халқ қабулхонаси мудири А.Жумакулов ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида" Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Ж.Иззатуллаевнинг маърузалари эшитилди.

Сессияда халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари томонидан муҳокама қилинган:

"2024 йил 4-чораги якунида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларнинг ҳисоботи тўғрисида"ги;

"2025 йилда Музработ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида"ги масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Сессияда депутатлар кун тартибида муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз муносабатлари, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг 2025 йил 7 июндаги 312-сон қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида



Тантанали тадбирлар

## Халқаро олимпиада совриндорлари тақдирланди

Жорий йилнинг 18-19 январь кунлари Малайзия давлатининг Куала Лумпур шаҳрида халқаро математика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Олимпиадада туманимиз ёшларининг вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар.

Туманимиздаги 14-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Афзалбек Жўраев ҳамда 51-умумтаълим мактабининг 4-синф

ўқувчиси Мурод Жуманазаров халқаро олимпиадада совриндорлар қаторидан жой олдилар. Афзалбек фахри 3-ўринни эгаллади, Муродбек эса "Сертификат" ва махсус медални қўлга киритди.

Шу муносабат билан ёш математиклар ўқийдиган билим масканларида тантанали тадбирлар ташкил этилди. Унда Музработ тумани Ҳокими вазифа-

сини бажарувчи Абдумуталиб Арабов навқирон истеъдод соҳиблари, устозлари ва уларнинг яқинларини ютқ билан табриклаб, "Ташаккурнома" ва қимматбахо совғаларни топширди.

Шунингдек, 51-умумтаълим мактабида таълим олаётган, спортнинг бир неча турлари бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган ўқувчилар, ўқув даргоҳида ўтказилган Ал-

Хоразмий олимпиадасининг мактаб босқичи ғолиблари ҳам туманимиз раҳбари томонидан тақдирланди. Мактаб маъмурияти эса Муродбек Жуманазаровга велосипед ҳадя қилди.

**Суратларда:** тантанали тадбирлар жараёнидан лавҳалар.

**Музработ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

### Туман ҳокимлигида

## Вазифалар белгилаб берилди

Туман ҳокимлиги катта мажлислар залида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар муҳокама-сига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унга тумандаги қишлоқ хўжалиги мутахассислари ҳамда фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Музработ тумани Ҳокими вазифасини

бажарувчи Абдумуталиб Арабов туманда қишлоқ хўжалиги бўйича белгиланган киши ишларнинг бориши юзасидан танқидий-таҳлилий асосда батафсил сўз юритди ва навбатдаги вазифалар бўйича топшириқлар берди. Хусусан, туманда ички ариқ-зовурларни бетонлаштириш, "Яшил макон" умумий лойиҳаси

доирасида кўчат экиш ишларини жадаллаштириш, жорий йил ҳосили учун ғалла парвариши, ерларни шудгорлаш, дала четларидаги майдонларда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш, маҳаллий ўғит жамғариш бўйича қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва фермер хўжалиқлари раҳбарларига тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда туман прокурори Исролбек Ҳўжамуротов иштирок этди.

### Халқ қабулхонаси — халқ хизматида

## Мурожаатларга эътиборсиз бўлганлар жазоланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон қарори, "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сон Фармони, "Халқ қабулхоналарининг секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан

ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисида"ги Низоми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида тумандаги сектор иши гуруҳлари аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлар доимий равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига 2024 йилда жами 8192 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 6671 таси (81,4

фоизи) қаноатлантирилган, 3436 таси (42 фоизи) ижобий ечимини топган, 3214 таси ҳуқуқий маслаҳат ва маълумот бериш орқали ҳал қилинган, 1215 таси бўйича тушунтириш берилган, 111 таси рад этилган, 21 таси узоқ муддатли назоратга олинган, 36 таси кўрилмасдан қолдирилган, 131 таси тугатилган, 183 таси эса кўриб чиқиш жараёнидаги мурожаатларни ташкил қилган. Шунингдек, 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига Музработ туманида яшовчи фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатлар ўтган йилга (2023 йилнинг шу даврига 8014 та) нисбатан 178 тага ёки 3 фоизга кўпайган.

(Давоми 2-бетда.)



## Тайинлов

Кўчаров Алишер Уралович Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Музработ тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

У 1986 йилда Музработ туманида туғилган. 2009 йилда Чирчиқ олий танк кўмондонлик билим юртини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги – Зирҳли танк қуроллари ва техникасининг тактик муҳандислиги, ғилдиракли ва занжирли техникани ишлатиш ва таъмирлаш бўйича муҳандис.

Алишер Кўчаров меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси ФВВ Тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли маркази кидирув-қутқарув гуруҳи командири, Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қўтқарув отряди командири, Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Термиш шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи ва яна бир қатор лавозимларда фаолият юритган.

Тайинловга қадар 2023 йилдан бунён Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ангор тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келаётган эди.

**С.КУЛБОБОВ.**

### Ёшлар ҳаёти

## Янги таклиф ва ғоялар айтилди

Туманимиз марказида бўлиб ўтган йиғилишда ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари юзасидан қизгин муҳокама қилинган. Унда Ёшлар агентлиги масъул ходими ҳамда агентликнинг туман бўлими раҳбар ва мутахассислари, ёшлар вакиллари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот жараёнида йигит-қизлар соҳа раҳбарларига ёшлар сиёсатини ривожлантириш йўналишидаги муаммо ва таклифларини айтиб ўтдилар. Йиғилишда ёшлар томонидан билдирилган таклиф ва ғояларни амалиётга жорий этиш борасида туманда ҳал этиладиган масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, республика даражасида ечим топадиган масалалар вилоят марказида ташкил қилинган "Ёшларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш" штабига тақдим этилди.

**А.НУРМАНОВ.**

### 2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва «Яшил» иқтисодий йили

## Экология ривожига келажақ тараққиёти



Музработ туманида камбағал оилаларнинг ҳовлиларини ободонлаштириш ва экология муҳитини яхшилаш мақсадида "Яшил макон" лойиҳасини доирасида навбатдаги хайрли иш амалга оширилди.

Ёшлар етакчиларининг ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада истикомат қилаётган камбағал оилаларнинг томорқаларига хурмо ҳамда анжир кўчатлари экиб берилмоқда. Бу та-

шаббус нафақат атроф-муҳитни кўкамалзорлаштиришга, балки ушбу оилаларга келажақда иқтисодий даромад манба-си яратилишига қаратилган. Ушбу амалиёт "Яшил макон" лойиҳасининг муҳим қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида табиатни асраш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадидаги хизмат қилмоқда.

**Музработ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

### Турмуш чорраҳаларида

## Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш

Оила — ижтимоий, табиий омиллар асосида шаклланган кичик жамоа сифатида икки жинсга мансуб бўлган шахслар ўртасидаги муносабатларнинг бирига ҳаёт қуриб, насл қолдириш, фақат фарзандни дунёга келтириш эмас, балки уларни маънавий ва жисмоний камол топтириб, ҳаётга мустақил қадам қўйишига шароит яратишдир. Қонунда табиий эҳтиёт нукта назаридан никоҳ ёшнинг (қонунда никоҳ ёшнинг эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб) белгиланиши бу ҳали мукамал ёш, фақат никоҳ тузиш учун бўлган ҳуқуқ.

2008 йилда республика ми-зид "Бола ҳуқуқларининг кафо-латлари тўғрисида" Қонун қабул қилинган ва ушбу қонун-нинг биринчи бобида 18 ёшга-ча бўлган шахс бола ҳисоблана-ди, деб белгиланган. Шун-дай қилиб, турмуш қураётган ва она бўлаётган ўсмир қизлар давлатимиз қонунлари бўйича

ҳам ҳали бола ҳисобланади.

Соглом фарзандни тарбия-лаш, ҳар бир ота-онанинг орзу-сидир. Шундай экан, ҳали ўзи бола бўлган фарзандимизни тур-мушга бериш ёхуд уйлантириш натижасида уларга нафақат жис-моний, балки маънавий жиҳат-дан ҳам жуда катта зарар етказ-иб қўйишимиз мумкин. Психол-оглар ва олимларнинг фикри-ча, турмуш қуриш энг мақбул ёш: қиз болалар учун 22-25 ёш, ўғил болалар учун 24-30 ёш. Бу ёшга бориб инсон шахс сифатида шаклланиб бўлади. Бу ёшда ин-сон турмуш қуриш масаласига масъулият билан қарайди.

Эрта никоҳ — хатарли риш-та. Ўсмир қизларимизнинг ёш турмуш қуриши, ёш она бўли-ши ва шулардан келиб чиқа-диган турли хил тиббий, маъ-навий ва ижтимоий асоратлар мустақам оилани шаклланти-ришга халақит берадиган сал-бий омилларидан биридир. (Давоми 3-бетда.)

### Хабарингиз борми?

## Ваколат муддати узайтирилади

Республика Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси тарқатган ҳа-барга кўра, Ўзбекистонда фу-қаролар йиғини раисининг ва-колатлари муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-латаси бу ҳақдаги Қонунни 14 январь куни учинчи ўқишда қабул қилди.

Қонунда, шунингдек, фуқаро-лар йиғини раиси ваколатла-

ри муддатидан илгари тугатил-ган тақдирда бўшаб қолган ўринларга янги сайлов ўтказиш орқали янги раиси ҳам 5 йил-га сайлаш белгиланмоқда.

Олий Мажлис Сенати Кен-гаши ва республика комиссия-сининг фуқаролар йиғини сай-ловини ўтказиш билан боғлиқ ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенге-си, халқ депутатлари вилоят-лар ва Тошкент шаҳар Кенга-шлари ҳамда ҳудудий комиссия-ларга ўтказилади.



### Ҳарбийлар шаҳарчаларида

## Китоблар ярмаркаси

Ватанга хизмат қилиш, унинг сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш эр йигитлар-нинг муқаддас бурчидир. Юр-тимиз посбонларига ҳар томон-лама қулайликлар ва шарт-ша-роитлар яратиш ҳукуматимиз-нинг энг бирламчи вазифала-ридан саналади. Шу маънода уларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлишларида китоб-нинг ўрни бениҳоятдир.

"Матбуот тарқатувчи" шуб-ба корхонаси туман бўлими бошлиғи, тадбиркор Жўра Хур-

сандовнинг бу борадаги иш-лари таҳсинга сазовор. Яқин-да тадбиркор билан биргалик-да "Н" ҳарбий қисмга қараш-ли иккита ҳарбийлар шаҳар-часида китобхонлик ярмарка-си ўтказиб қайтдик. Бизга ДХХ Чегара қўшинлари хизматчи-си Сайдулла Шобердиев ҳам-роҳлик қилди.

Ярмаркаларда ҳарбий хиз-матчилар ўзларига ёққан ба-дий адабиётлар ва оила аъзо-лари учун турли хил китоблар харид қилдилар.

**С.КУЛБОБОВ.**

### Далада семинар

## Маҳсулотни фермернинг ўзи биржада сотади

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонида мувофиқ тумандаги «Маматқул» фермер хўжалиги даласида семинар ташкил этилди. Пахта хомашё-сини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини кенг тадбиқ этишга бағишланган мазкур тадбирга тумандаги фермер хўжалиқлари раҳбар-лари қатнашдилар.

Фармонда белгиланган ва-зифаларни амалга ошириш доирасида иштирокчиларга пахта етиштириш ва сотиш жараёنларини молиялашти-ришни бозор механизмлари-га мослаштириш, маҳсулот тан-



нархини мақбуллаштириш, шунингдек, хомашёни биржа савдолари орқали сотишни

янги босқичга олиб чиқиш таъ-кидланди. Хусусан, 2025 йил ҳосилидан бошлаб, фермер хўжалиқлари ер майдонлари-да ўз маблағлари ва тижорат кредитлари ҳисобидан етиш-тирилган ҳосилни биржада сотиш тизими жорий этили-ши ҳақида маълумот берил-ди.

Айни шундай жараённи рағбатлантириш мақсадида биржада сотилган пахта учун шаклланган ҳисобварақа фак-тура қийматининг 10 фоизи микдорида субсидия ажрати-лиши белгиланганлиги таъ-кидланди.



# Мурожаатларга эътиборсиз бўлганлар жазоланди

**(Бошланиши 1-бетда.)** 2024 йилда келиб тушган 8192 та мурожаатларнинг 6423 таси ёки 78 фоизи тумандаги сектор раҳбарлари ёки бошқа тегишли масъул ташкилот ва корхоналарга мурожаат қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва "Ишонч" телефонларида мурожаат қилганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз ўзидан тумандаги масъуллар томонидан фуқароларнинг мурожаатларига тўлақонли эътибор қаратилмаётганлиги, мурожаатлар тўлиқ ва сифатли ўрганиб чиқилмаётганлиги, айрим масъуллар томонидан мурожаатларга юзаси қаралиб келинаётганлигини қаноатлантириш ҳамда ижобий ҳал этиш даражаси пастлигини кўрсатиб, "Халқни рози қилиш"га қаратилган вазифалар ва бу борадаги Президент Фармон ва қарорлари ижроси юзасидан белгиланган

олинган чора-тадбирлар ҳам талаб даражасида амалга оширилмаётганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига Музравот туманида яшовчи фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар секторлар кесимида таҳлил қилинганда 1-сектор ҳудудидаги аҳолидан жами 1315 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 611 таси (47,4 фоизи), 2-сектор ҳудудидаги аҳолидан жами 1776 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 786 таси (45,3 фоизи), 3-сектор ҳудудидаги аҳолидан жами 4465 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 1708 таси (39,3 фоизи), 4-сектор ҳудудидаги аҳолидан жами 6360 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 331 таси (52,9) фоизи ижобий ҳал этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар масалалар кесимида таҳлил қилинганда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 ёшгача болалар нафақаси 422 тага, алимент ундириш масаласи 72 тага, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш хизматларидан асоссиз қарздорлик 62 тага ошган, фарибгарлик тўғрисида хабар 57 тага, фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатлари устидан 51 тага, турар жойни ичимлик суви тармоғига аҳолидан жами 4465 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 1708 таси (39,3 фоизи), 4-сектор ҳудудидаги аҳолидан жами 6360 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 331 таси (52,9) фоизи ижобий ҳал этилган.

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш 29 тага, солиқдан асоссиз қарздорлик, солиқ тўловларига асоссиз пул ундириш 27 тага, тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ҳақи берилмаётганлиги 26 тага, йўл, унга қарашли йўлак, лоток, ариқ ва бошқаларнинг талабга мувофиқ эмаслиги бўйича 20 тага, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш масаласида 19 тага, муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам ажратиш тўғрисида 17 тага, маҳалла раиси (ҳодимлари) хатти-ҳаракатлари ва фаолияти ҳақида 17 тага, бошқа шахслар томонидан иш ҳақи берилмаётганлигида 17 тага, газ баллонни союлтирилган газ билан тўлдиришдаги муаммоларга оид 11 тага, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам бериш хусусида 8

тага ошганлигини кўрсатмоқда.

Туман Халқ қабулхонаси томонидан 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари ижроси юзасидан тумандаги секторлар ва давлат ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолатлари ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли ташкилотларга 48 та кўрсатма, 12 та тақдирнома, 48 та тақлиф ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашига 12 та ахборот киритилган. Натижа си бўйича 11 нафар ходимга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилган, 4 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, 12 нафар ходим иш ҳақидан 30 фоиз миқдорда жаримага тортилган, 6 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан бўшатилган ҳамда 14 нафар ходим огоҳлантирилган, 11 нафар ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган.

**А. ЖУМАҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Музравот туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.**

# Сўраган эдингиз?

## Қарз шартномаси ва қарз муносабатлари ҳақида тушунча берсангиз?

Қарз муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-бобида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ фуқаролар ўртасида қарз ҳажми энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан зиёда ташкил этса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Бунда қарз шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши шарт эмас.

Лекин тарафлардан бири шартноманинг нотариал тасдиқланишини талаб этса, бу сўровни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариал идорага мурожаат қилиш мумкин. Қарз шартномаси тасдиқланаётганда нотариус тарафларнинг ҳақиқий истаklarини аниқлаши лозим. Буни аниқлаш мақсадида ариза олиши мумкин.

**Дилдора ЙЎЛДОШЕВА, вилоят адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шубаси бош маслаҳатчиси.**

## Кўчмас мулклар эътироф этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Қонун имзоланди.

Қонун 35 моддадан иборат бўлиб, 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

Қонунга асосан қуйидаги кўчмас мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилиши белгиланди:

- 1) 2018 йил 1 май кунига (2018 йилдаги "бир марталик акция"га) қадар фуқаролар яққа тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчилик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 2) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортқича эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 3) "бир марталик акция" доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 4) 2021 йил 8 июнга (ҳокимларнинг ваколати бекор қилинган) қадар туман (шаҳар) ҳокимлари қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;
- 5) "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ (15.09.2020 й. тахрири) вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларининг ер муносабатлари соҳасидаги қарорлари Халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланиши назарда тутилган;
- 6) боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар жойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;
- 7) кичик саноат зоналари ҳудудида 2020 йил 9 мартга қадар жойлаштирилган тадбиркорларнинг ер участкасига;
- 8) давлат ордери билан хусусийлаштирилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига;
- 9) ҳоким қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига.

Бунда, ижара мuddати яққа тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ер участкалари учун тўқсон тўққиз йил, бошқа ер участкалари учун қирқ тўққиз йил этиб белгиланмоқда.

**О.АЛЛАБЕРДИЕВ, туман адлия бўлими бошлиғи.**

## Иш ҳақи қисман сақланадиган таътил

Жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш имконияти назарда тутилган ва бундай таътилни календар йил давомидаги энг кўп давомийлиги белгиланиши мумкин.

Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига кўра ҳал этилади. Ходимнинг унга бундай таътил берилишига розилиги иш берувчига ёзма ариза бериш орқали билдирилади.

Жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра унга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериши шарт бўлган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

**О.ЖУМАЕВ, туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.**

# Жиноятга жазо муқаррар АЙЛАНМАДАН «АЙЛАНИБ» ЎТГАН ЭДИ, АММО...

**Хуқубузар Т.Қ. шу йил кўкламда нақд ўттизинчи баҳорни нишонлайди. Халқ мақолида айтилганидек, ҳалол юриб, ҳалол ишласа, тоғни уриб талқон қилдиган ёшда. Аммо нафсининг қулига айланган йигит шу ёшда рўзғузaronлигининг эгри кўчаларини танлади. Бу кўчанинг адоғи эса минг афсуски, берк эди...**

Воқеа қаҳрамони Музравот туманидаги Боғи Эрам маҳалласида яшайди, маълумоти ўрта махсус, оилалаи, икки нафар фарзанди бор. У 2018 йил ноябрь ойида келгусида ўзи раҳбарлик қиладиган масъулият чекланган жамият (МЧЖ) ташкил этиб, туман адлия бўлимининг давлат хизматлари марказида барча ҳужжатларини расмийлаштириб олиб, тадбиркор сифатида фаолиятини бошлаган. Жамиятнинг асосий фаолияти тури этиб, чакана савдо билан шуғулланиш белгиланган.



Аммо Т.Қ. давлатимиз ва ҳуқуқимиз томонидан тадбиркорлар учун яратиб берилган имконият ва қўлайликларни ўз қаричи билан ўлчаб, шундай тушундики, гўё унинг учун "шаҳар бедарвоза", ўзи раҳбарлик қиладиган корхонани истагандек юриштишга, ҳисоботларни эса хоҳлаган мақомда тайёрлаши мумкин эди. Ваҳоланки, мамлакатимизда ҳамма нарсанинг ҳам ўлчови, ҳисоб-китобларнинг эса аниқ йўриғи бор. Юзаси ўйлов, хомхаёлларнинг пучлиги охири оқибат "ишбилармон"нинг ўзи алданиб қолишига сабаб бўлди.

Т.Қ. ноқонуний даромад ва сохта обрў орттириш мақсадида МЧЖнинг солиқ ҳисоботларини тузиб, шу ҳисоботларда солиқ солиш базасини атайин пинҳон тутди. Солиқларни ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурийятлари у раҳбарлик қилиб келган юридик шахс зиммасига юклатилган бўлса-да, корхонада 2021, 2022 ва 2023 йиллар давомида 4.418.048.500 сўм пул маблағлари айланмасини амалга ошириб, ҳисоботлардан яширди.

Музравот тумани прокуратурасининг 2024 йил 23 сентябрдаги мазкур жиноят иши юзасидан "Ҳужжатли тафтиш таяиниш ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳақида"ги, шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси бошлигининг 2024 йил 2 октябрдаги тегишли қарори ва бўйруқларига асосан Музравот туманидан давлат рўйхатидан ўтган МЧЖнинг 2021 йил ва 2023 йилга қадар бўлган даври учун молиявий ҳужжалик фаолиятида ҳужжатли тафтиш ўтказилди. Тафтиш натижасида жамиятга айланмадан олинган солиқ тўлови учун тақдим этган ҳисоботида кўра корхонага жами 282.296.900 сўмлик солиқ тўловлари аниқланган.

Мутахассислар томонидан текширилганда Т.Қ. МЧЖнинг солиқ ва молиявий фаолияти билан боғлиқ ҳисоботларини ўзи тайёрлаган, тегишли идораларга ўзи тақдим қилиб берган. Жамиятнинг ҳисоботларини тузишда банк айланма маблағлари тўғрисидаги ҳисоботлардан, топширган ойллик ҳисоботидан ҳамда кирим ва чиқим ҳужжатларидан, ўзи номига расмийлаштирилган электрон имзодан фойдаланган. Унинг таъкидлашича, жамиятнинг электрон рақамли имзоси ҳамда муҳр-штампларини бирор бир шахсга ёки жамият таъсисчиларига топширмаган. Аниқроқ қилиб айтганда, бўлиб ўтган "уйинлар" тепасида жамият раҳбарининг ўзи "кўксини қалқон қилиб" турган.

**М.МИРХАМИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари.**

# Профилактик тадбир Коррупцияга бефарқ бўлманг

Вилоят солиқ бошқармаси Шахсий хавфсизлик бўлими томонидан солиқ ходимлари ўртасида коррупцион ҳолатларга мурасасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ўтказилаётган навбатдаги профилактик тадбир Музравот тумани солиқ инспекциясида бўлиб ўтди.



Профилактик тадбирда шахсий таркибга коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти тушунтирилиб, мазкур иллатга қарши курашиш принциплари тўғрисида маълумотлар берилди. Яратилаётган шарт-шароитлар ва берилаётган кенг

имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиш, касб этикаси ва умум-белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ҳамда давлат хизматчиси деган шарафли номга муносиб бўлиш кераклиги таъкидланди.

Солиқ тўловчилар билан бевосита мулоқотда "Солиқчи-кўмакчи" тамойили асосида иш юритиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва ҳамкасбларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига ҳам бефарқ бўлмаслик кераклиги тушунтирилди.

**Суратларда: тадбир жараёнидан лавҳалар.**

Сурхондарё вилояти прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонуни ва соҳага оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси алоҳида назоратга олинган. Хусусан, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Р.Намазов раислигида вилоят прокуратураси мажлислар залда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонунлар мазмун-моҳияти мавзусида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди.

Тадбирда вилоят прокуратурасининг тегишли тармоқ ва бўлимлари ходимлари, туман (шаҳар) прокуратуралари, Департамент, ДХХ, Божхона ва ИИБ суриштирувчи ва терговчилари ҳамда ёш мутахассислар иштирок этди. Малакали ходимлар ва мутахассислар томонидан машғулот иштирокчиларига мавзу доирасида видеоматериаллар ёрдамида кенг тушунтиришлар берилиб, кибержиноятларни тергов қилиш тактикаси ва ўзига хос хусусиятлари бўйича тажриба алмашилди.


Мазкур йўналишда ИИБ органлари билан ҳамкорликда олиб борилган назорат тадбирларида аниқланган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари бўйича айбдорларни аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Узун тумани "Ботот" маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Э. туман ИИБга мурожаат қилиб, мурожаатида 2024 йилнинг 24 декабрдан 28 декабрга қадар ўзига таъин бўлмаган 1997 йилда тузилган И.А. деб таништирган шахс томонидан ўзининг абонент рақамига тегишли бўлган телеграм аккаунтига "Табрик-

Ҳокимиятнинг қонун ҳимоячилари

# КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ

лаймиз, акам, бизнинг шоу-мизда эҳсонга қўйган "Кобальт" автоулови сизга чиқиб турибди" деган мазмунда СМС хабарнома юбориб, унинг ишончига кириб, турмуш ўртоғи А.К.нинг 9860 \*\*\*\* 6244 рақамли "HUMO" пластик картасида М.Х.нинг 5614 \*\*\*\* 2292 рақамли пластик картасига жами 30 миллион 77 минг сўм пулни ўтказиб олиб, фарибгарлик йўли билан ўзлаштирилганлигини баён қилган.

Шу каби, Узун тумани "Янги куч" маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Д. туман ИИБга мурожаат қилиб, мурожаатида 2024 йилнинг 6 декабрь кунини ўзига таъин бўлмаган шахс томонидан абонент рақамига қўнғироқ қилиб, яшаш уйининг деразалари учун парда буюртма беришини ва пулини олдиндан ташлаб беришини айтганида, Б.Д. турмуш ўртоғи Н.Н.нинг номида бўлган 8600 \*\*\*\* 3807 рақамли пластик картасидан 7 миллион 100 минг сўм пулни ўтказиб бериб, алданганлигини баён қил-



лан ўзаро ёзишганлиги ва акциядан 20.693.000 сўм ютиб олгани ва ушбу ютқунинг 2 фоизли миқдорда, яъни 417.000 сўм пулни 9860 \*\*\*\* 5615 рақамли пластик кар-

тасига тўлов қилса, ютқун қўлга киритиши мумкинлиги маълум қилинганлигини, шундан сўнг у ушбу пластик картага бўлиб-бўлиб 3 мартаба жами 1.372.000 сўм пулни ўтказиб бериб, алданганлигини баён қилган.

Шунингдек, Узун тумани, "Наврўз" маҳалласида яшовчи фуқаро Х.И. мурожаатида 2025

канал админи томонидан унга "қисқа мuddат ичида пулларингизни кўпайтириб берамиз" деган мазмунда хабар келиб тушганлигини, у ушбу хабарга ишониб "Абдуллоҳ Азизовнинг" номи профил эгаси томонидан тақдим этилган банк пластик картасига бўлиб-бўлиб, 9 мартаба жами 19.360.000 сўм пул ўтказиб бериб, алданганлигини баён қилган.

Бундан ташқари, Сарийоғ тумани "Шоҳжон" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Н. ўз мурожаатида 2025 йилнинг 11 январь кунини "OLX" сайтида "Валиев Адхам" исмли шахс "Iphone-13 Pro" русумли телефон аппарати 4,5 миллион сўмга сотиш учун қўйганлигини, ушбу телефон аппарати учун Валиев Адхам исмли шахсга 4,5 миллион сўм пулни пластик карта орқали тўлаб берганлигини, аммо Валиев Адхам учун алдаб кетганлигини баён қилган.

Юқорида қайд этилган фарибгарлик ҳолатлари юзасидан ҳудудий тегишлилиги бўйича Сарийоғ ва Узун тумани ИИБ Тергов бўлинмалари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиб, натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Алишер БОБОМУРАДОВ, вилоят прокурорининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича катта ёрдамчиси.**



Yangi qarorga asosan

## Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmalari rivojlantiriladi

**Davlatimiz rahbari 2024-yil 24-dekabrda "2025-2027 yillarda O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 454-son qarori imzoladi.**

Ushbu qarorga ko'ra, 2025-yil 1-yanvardan, budget tizimining budjetlari hisobidan ob'ektlarni qurish, rekonstruksiya qilish va ta'mirlash ishlari bo'yicha o'tkazilgan davlat xaridlariga asosan qurilish muddati uch oydan kam bo'lgan ob'ektlarga birinchi oyda ob'ekt qiymatining 30 foizi miqdorida avans mablag'larini ajratiladi. Keyingi to'lovlar esa belgilangan tartibda moliyalashtirilishi ko'zda tutiladi.

2026-yil 1-yanvargacha sinov tariqasida, voyiha-smeta hujjatlarining qiymati bazaviy hisoblash miqdorining 6 ming baravaridan ortiq bo'lgan

loyihalar (ob'ektlar) bo'yicha quyidagilar tomonidan ekspertizadan o'tkaziladi:

1. Hajm, texnik va smeta qismi (narx qismidan tashqari) – "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi" Davlat Markazi tomonidan;

2. Tovar, ish va xizmatlarning narx qismi – "Loyihalarni va import kontraktlarini kompleks ekspertiza qilish markazi" Davlat Unitar Korxonalar tomonidan;

3. O'zbekiston Respublikasi Bazaviy hisoblash miqdorining 6 ming baravarigacha bo'lgan loyihalar (ob'ektlar) bo'yicha

shaharsozlik hujjatlari "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi" Davlat Markazi tomonidan.

4. 2025-yil 1-aprelgacha qurilishi yakunlangan ob'ektlarni foydalanishga qabul qilish jarayonlarini to'liq raqamlashtirish orqali shaffof tizim joriy etilishi belgilandi.

Joriy yilning 1-iyuligacha O'zbekiston Respublikasining barcha hududida namunaviy va takroriy qo'llanadigan loyiha hujjatlari bo'yicha elektron kataloglarning yaratilishi hamda "Shaffof qurilish" milliy axborot tizimiga joylashtirilishi shartligi belgilab qo'yildi.

**F.NEMATOV, tuman adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti.**



Turmuш чорраҳаларида

## Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш

(Бошлиши 1-бетда.)

Эрта турмуш куриш ва эрта ҳомилдорлик нималарга олиб келиши мумкин;

ёшларнинг психо-эмоционал томонидан турмуш куришга тайёр эмаслиги;

ёш келин-куёв орасида тушунмовчиликлар келиб чиқиши; ёш келинчақларнинг янги оила муҳитига кўникишидаги қийинчиликлари;

физиологик томондан етилмаган ёш қиз организмнинг ҳомилдор бўлиши, ёш турмуш куриш ва эрта она бўлиш аёлларнинг илм олиш ва меҳнат қилиш имкониятларини чеклаши мумкин; ёш она моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги сабабли кўп миқдорда муаммолар пайдо бўлади;

ёш она доимий кучли асабийлашади ва бу ҳолат болага ҳам салбий таъсир қилади.

Статистик маълумотларга кўра, кўпчилик ҳолатларда ёш турмуш қурган аёллар, 25-26 ёшга бориб кўп туғувчи аёллар гуруҳига киритилапти. Бу эса ўз навбатида уларнинг ва оиласининг саломатлигини зафлашишига сабаб бўлиши мумкин. Ваҳоланки, кучли муҳаббат билан турмуш куриш оқибатида инсон севган пайтида қонда нейротрофин оксиди кўпайганлиги сабабли ёш организмнинг ўйлаш қобилияти пасайиб кетади. Икки йилдан кейин бу оксид миқдори камайтирилади ва ёш эр-хотин бири-бирига объектив баҳо беришни бошлайди. Ёшларнинг катта одамлардан фарқи равишда ҳаётий тажрибаси бўлмайдиган ва муаммони ҳал қилиш ўрнига ажралиши маъқул қўришади.

Турмушни қайд қилишни ўзи етарли эмас: маълумотсиз, турар жойсиз, доимий ойликсиз оилани моддий маблағ билан таъминлаш жуда қийиндир. Оиланинг мустақам бўлишида никоҳ олдиндан тиббий кўрикдан ўтиш масаласи буғунги кунда долзарб ҳисобланади. Оила кодексининг 17-моддасида ёш келин-куёвлар никоҳга ахтиёрли тарзда тиббий кўриқдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Бунинг моҳияти шундаки, имонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила куриш, унинг мустақам пайдо бўлишига қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса ёки она бўлиш масъулияти кучли бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғлом катта қилиб вояга етказиш, тўғри тарбия беришга шунчалик эътибор билан қарайдми.

Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ – келгуси авлодлар саломатлигига путур етказувчи омилдир. Чунки қариндошлик никоҳи туфайли одадда жисмоний ва ақдан носоғлом, яъни нимжон, касалманд, ақли заиф, кар-соқов, ортик, кўшоқ, пакана ёки нуқсонли, майиб болалар туғилади. Улар ўшида тенгдошларидан орқада қоладилар. Бундай оилалардан кўпинча юрак, буйрак хасталиги касаллигига йўлқачан бола туғилиши кузатилмоқда. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанчалик беғона шахслар билан тузилса, авлод шунчалик соғлом бўлади. Статистика маълумотларига кўра, АҚШда қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларнинг 22,5 фоизи, қарин-

дош бўлмаганлар никоҳидан туғилган болаларнинг эса 16 фоизи нобуд бўлган. Қариндошлар ўртасида тузилмаган никоҳ, ҳатто фарзандсизликка ҳам олиб келмоқда. Булар ҳаммаси тиббиёт фанининг асосли хулосаларидир.

Академик К.Н.Бочковнинг фикрига кўра, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга чек қўйилса, аҳоли ўртасидаги касалга чалиниш анча қисқаради. Чунки, баъзи ҳолатларда, касалга чалинишни тенг ярмига камайтириш мумкин. Ёшларда оилавий ҳаётга доир кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларни оилавий ҳаётга

ни яхши ва равоан сақлаш, уни яхшилаш омилларини ўрганиш.

Оилада фарзанд ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлиб шаклланиши учун ота-она унинг ахлоқий тарбияси билан жиддий шуғулланиб, кўп ҳаракат қилиши лозим. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат бу ҳақда "Ахлоқий тарбия – одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали манфаат келтирадиган бўлсин" деб таъкидлаган эди. Дарвоқе, энг қадимий буюк китобимиз "Авесто"-дан бошлаб халқимизнинг эзу

психологик, руҳий, жисмоний, жинсий томондан тўлиқ тайёрлаш масалаларида маълум билим ва кўникмаларни шакллантиришни тақозо этади.

Оила саломатлиги учун ёшларнинг тиббий сағломчилигини ошириш лозим. Бунда: оила аъзолари саломатлиги бўйича бирламчи билимларга эга бўлиш;

саломатлиқни сақлаш омилларини билиш;

саломатлиқни сақлаш ва умрни узайтириш усулларини ва миллий қадриятларни оила ҳаётига сингдириш;

миллий таъбабатдан хабардор бўлиш;

репродуктив саломатлик мезонларига амал қилиш;

тўғри овқатланиш меъёрларига риоя қилиш;

саломатлиқни сақлаш – фуқаролик бурчи эканлигини англаш;

ўз саломатлигини жамият соғломчилиги сифатида қабул қилиш;

қариялар саломатлигига эътиборли бўлиш;

болаларни юқумли касалликлардан асрай олиш;

йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигини олдини ола билиш;

оилада тиббий билимларга ҳурмат ва эътиборнинг шакллантирилиши;

фарзандларни замонавий тиббий таҳдидлардан асраш, уларга тиббий таҳдиддан бўйича зарур билимларни бериш;

болани она сути билан боқиб моҳиятини англаш;

ҳаётга физиологик-гигиеник жиҳатдан тайёр бўлиш;

оиланинг ижтимоий аҳоли-

одатлари ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, болаларни покиза, ахлоқли, эзгу фикрли, замонасининг барча хунарларини билган, эътиқоди мустақам, ҳам ахлоқан, ҳам жисмонан баркамол инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор берилган.

Бинобарин, олижаноб инсоний туйғу ва фазилатлар, инсон камолоти оиладан, унинг соғлом турмуш тарзидан бошланади. Айниқса, гўдак оиланин шарқона илдиэларидан озикланиб, давр ва ҳаёт талабига монанд комил инсон бўлиб етишади. Оиладан бошланган меҳр-мурувват, тинчлик ва осойишталик каби қатор хатти-ҳаракатлар ўзаро муносабатларда давом этади, унади, ўсади, мева беради. Бу эса оиладаги соғлом муҳит, маънавий, руҳий ва ахлоқий тамоили ҳамада меъёрлар асосида такомиллашиб боради.

Оилада маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланган, баркамол инсоний фазилатларга эга бўлган шахс жамият мақсад ва манфаатларига мос равишда ривожланиб боради. Ота-оналар ўз фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат, меҳнати ва фидойилиги билан ўзгаларга фойда келтириш, садоқат, самимийлик каби хислатларни камол топтиришга ҳизмат қилади. Фарзандларнинг баркамол инсонлар бўлишида оиланинг тотулиги, ота-онанин ўзаро меҳр-муҳаббати ҳам самарали таъсир этади.

**К.ҲАЙИНАЗАРОВА, олий тоифали врач, акушер-гинеколог.**

## TAFAKKUR VA UNING PSIXOLOGIK JIHATLARI

**Tafakkur — insonning voqelikni bilish va idrok etish jarayonidagi eng murakkab psixologik faoliyat turi. U orqali inson borliqni o'rganadi, ob'ektlarni o'zaro bog'liq holda tahlil qiladi va xulosalar chiqaradi. Tafakkurning ahamiyati nafaqat shaxsiy hayot, balki ijtimoiy taraqqiyot jarayonida ham ulkan rol o'ynaydi. Zamonaviy psixologiyada tafakkur masalalari ko'plab tadqiqotlarning markaziy mavzusi hisoblanadi.**

Tafakkur — bu bilish jarayonining yuqori shakli bo'lib, u insonga murakkab muammolarni hal qilishda va qarorlar qabul qilishda yordam beradi. Uning asosiy xususiyatlari quyidagilardir: -abstraktlik va umumlashtirish qobiliyati, tafakkur real dunyo ob'ektlarini turli konseptual shakllarda ifodalash imkonini beradi;

-analitik va sintez qilish funksiyalari: tafakkur tahlil qilish va ma'lumotlarni qayta ishlash orqali yangi bilimlar yaratadi; o'z-o'zini anglash imkoniyati: inson tafakkuri orqali o'z fikrlash jarayonlarini tushunadi va boshqaradi.

Psixologiyada tafakkurning bir necha turlari mavjud:

-abstrakt tafakkur: bu murakkab muammolarni umumlashtirish va ularga nazariy

Mutaxassis minbari

## TAFAKKUR VA UNING PSIXOLOGIK JIHATLARI

Tafakkur va ta'lim jarayoni: zamonaviy ta'lim tizimida tafakkur rivojlanishini rag'batlantiruvchi yondashuvlar keng qo'llanilmoqda. Interfaol metodlar, ijodiy muammolar va jamoaviy ishlash kabi usullar o'quvchilarning tafakkurini rivojlantirishda samarali hisoblanadi.

Tafakkur bilan bog'liq muammolar va ularni hal etish: -tafakkur jarayonida yuzaga keladigan asosiy muammolar bor bo'lib, ular o'ylash jarayonining sustligi yoki biryoqlamligi, muammolarni tahlil qilishdagi cheklolvar. Ularni hal etish uchun psixologik treninglar, ijodiy mashg'ulotlar va mantiqiy masalalar bilan ishlash tavsiya etiladi.

Xulosa o'rinda aytish mumkinki, tafakkur inson faoliyatining eng muhim tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, uning rivojlanishi jamiyat va shaxs taraqqiyotiga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Zamonaviy psixologiya tafakkurni rivojlantirishning ko'plab samarali usullarini taklif qilmoqda. Tafakkur jarayonini muntazam ravishda rivojlantirish orqali inson o'z salohiyatini to'liq amalga oshirishi mumkin.

Sojida ABRURAXMANOVA, 7-maktab psixologi.

-amaliy faoliyat: insonning doimiy ravishda masalalarni hal qilishga intilishi tafakkurni rivojlantiradi. Tafakkur va ta'lim jarayoni: zamonaviy ta'lim tizimida tafakkur rivojlanishini rag'batlantiruvchi yondashuvlar keng qo'llanilmoqda. Interfaol metodlar, ijodiy muammolar va jamoaviy ishlash kabi usullar o'quvchilarning tafakkurini rivojlantirishda samarali hisoblanadi.

Tafakkur bilan bog'liq muammolar va ularni hal etish: -tafakkur jarayonida yuzaga keladigan asosiy muammolar bor bo'lib, ular o'ylash jarayonining sustligi yoki biryoqlamligi, muammolarni tahlil qilishdagi cheklolvar. Ularni hal etish uchun psixologik treninglar, ijodiy mashg'ulotlar va mantiqiy masalalar bilan ishlash tavsiya etiladi.

Xulosa o'rinda aytish mumkinki, tafakkur inson faoliyatining eng muhim tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, uning rivojlanishi jamiyat va shaxs taraqqiyotiga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Zamonaviy psixologiya tafakkurni rivojlantirishning ko'plab samarali usullarini taklif qilmoqda. Tafakkur jarayonini muntazam ravishda rivojlantirish orqali inson o'z salohiyatini to'liq amalga oshirishi mumkin.

Sojida ABRURAXMANOVA, 7-maktab psixologi.



Замондошимиз Зиядулла Назаров ўзининг Ватан олдидаги йигитлик бурчини, бутун борлик вужудини, қолаверса, умрини-да она Ватанга садоқат билан хизмат қилишдек шарафли ишларга бағишлаган инсонлардан бири. Бугунги кунда у тумандаги Оби-ҳаёт маҳалласида жойлашган иختисослаштирилган мактабда Чақирувга қадар бошлангич таъриқарлик раҳбари, директор ўринбосари бўлибгина қолмай, туман мудофаа ишлари бўлими фахрийлар кенгаши

## Ҳамкасб ҳақида ЮРТПАРВАР ИНСОН

раиси ҳамдир. Лавҳамиз қаҳрамони З.Назаров тумандаги 7-умумтаълим мактабда ўқувчилик давридаёқ келажақда ҳарбий хизматчи бўлиб, она Ватанни қўриқлашдек иштиёқ билан улгайди. Тиришқоқлик, ҳарбий соҳага чанқоқлик ҳеч қачон тарк этамади. Буни қарангки, бу иштиёқ тақдирми ёки Яратганнинг мўъжизасими, ўрта мактабни аъло баҳоларга таъминлаган Зиёдуллани 1983 йил "Халқлар дўстлиги" орденли Тошкент политехника институтига ўқишга етаклади.

Олий билим даргоҳини З.Назаров лейтенант унвони билан муваффақиятли битирди. Турли жойларда бир муддат ишлаб юрган ёш кадр 1994 йил туман мудофаа ишлари бўлими йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида шартнома асосида хизмат ўташ учун Термиз гарнизонида жой-

лашган ҳарбий қисмга взвод командири, бир оз вақт ўтиши билан батарея командири этиб тайинланди. Тиниб-тинчиман мард ўғлон бот-бот бошлиқлар назарига тушаверди. Раҳбарият томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида сидқидидан аъло даражада бажарди. Бу унга янада завақ бағишларди. Шу тариқа орт олдидаги хизматлари давом этади. Унвонлар, лавозимлар ошгани сари масъулият ҳам ортиб борди. Ватаннинг ҳар бир қарич тупроғи нондек, қолаверса, онадек азизлигини юракдан ҳис этиб, ҳарбий хизматни бажарарди. Яна бироз вақт ўтиб З.Назаров дивизия штаби бошлиғи, сўнгра ҳарбий қисм командири лавозимларида фаолият юритди.

Ватан олдидаги хизматлари учун З.Назаров Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари раҳбарияти

томонидан муносиб тақдирланди. Оддий лейтенантдан подполковник унвони даражасига кўтарилди. Бундан ташқари "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 10 йиллиги" ҳамда "Энг намунали ЧҚБТ раҳбари" кўркак нишонлари билан тақдирланди.

Зиядулла Назаров ўзининг хизмат даврида юзлаб муносиб шогирдлар тайёрлади. Улар бугунги кунда турли ҳарбий қисмларда ўз касбининг фидойи мутахассислари бўлиб ишлаб келишмоқда. Олдиндаги ўзбек ўғлони, қалби пок, соддадил, юртпарвар инсоннинг шогирдларидан Умрзоқ Исмоилов ва Садриддин Қурбонов ҳам подполковник унвонини соҳибларидир.

Тумандошимиз З.Назаровга ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги фаолияти ва эзгу ишлари зафарлар тилаб қоламиз.

**Йўлдош АБРАЕВ, 36-мактабнинг Чақирувга қадар бошлангич тайёрларлик раҳбари.**

## Ногиронлиги бўлган шахслар учун

**Савол:** Меҳнат фаолиятини давом эттираётган ногиронлиги бўлган шахслар қандай қилиб пенсия миқдорларини оширишлари мумкин? Бунинг иложи борми?

**Жавоб:** Албатта бор. Қонунчилигимизда ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия миқдорлари ҳар 2 йилда қайта ҳисоблаб берилиши белгиланган. Бунинг учун I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар уларга пенсия тайинланганидан ке-

йин меҳнат фаолиятларини давом эттириб, 1 йил иш стажига эга бўлганларидан сўнгра Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига мурожаат қилишлари кифоя.

Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими ходимлари томонидан шахсининг иш стажини ва иш ҳақини инобатга олган ҳолда пенсияларни қайта ҳисоб-китоб қилиб берилади.

**Жавобни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Музработ тумани бўлими етакчи мутахассиси А.Норкулов тайёрлади.**

## Ишчи гуруҳи маҳалла кезади Мақсадга мувофиқ

Туман ҳокимлиги томонидан маҳаллаларда жойлашган корхона, ташкилот, таълим муассасалари ва хонадонларда ободонлаштириш, тозалик, мевали ва манзарали дарахт қўчатлари экиш ишлари ва оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича ишчи гуруҳи тузилган эди.

Туман фаоллари ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳи деярли ҳар кун маҳаллалардаги меҳнат жамоалари ва хонадонларда бўлиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, соғлом турмуш тарзи-

ни йўлга қўйиш борасида амалга оширилган ишларни эътиборга олинган. Шу билан бирга бефарқ бўлганларга танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, камчиликларни кўрсатиб бермоқдалар.

Ишчи гуруҳининг, жумладан, тумандаги Меҳнатобод, Сополлитепа ва Янгиер маҳаллаларида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлди. Масъулларга тегишли тавсия ва тақлифлар берилди.

**Э.СОБИРОВ, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, ишчи гуруҳи аъзоси.**

## Барчани қизиқтирган савол Кимларга «контракт пули» тўлаб берилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарорига мувофиқ мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган, "Темир дафтар"га киритилган оила фарзандлари, шунингдек, "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга тўлов-контракт суммасининг 50 фоизга, аммо базавий ҳисоблаш миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари 375 минг сўм)нинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб берилади. Яъни "Ёшлар дафтари"га киритилган куйидаги тоифадаги ёшларга тўлов-контракт суммасининг бир қисми қоплаб берилади.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими киритилган оиланинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди; "Меҳрибонлик" уйи ёки Болалар шаҳарчасида тарбияланган ўқувчи-талаба; ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, васийликка олинган кам таъминланган ўқувчи-талаба; оила боқувчиларининг камидат биттаси биринчи гуруҳ ёки

ҳар иккаласи иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган кам таъминланган оиланинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди; ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган; боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган; ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган; ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз;

I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган; фарзандида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган; жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган; ота-онасидан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга

қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисидан I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;

юзига келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган; зўравонлик ва эксплуатация, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фақулдада вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;

"Меҳрибонлик" уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган;

ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат) даромади келтирадиган машғулотга эга бўлган;

давонланишга муҳтож бўлган бемор ёшлар; ҳазони ихро этиш муассасаларидан қайтган; муайян яшаш жойига эга бўлган;

психологик маслаҳатга муҳтож; никоҳи қайд этилганига уч йилдан ошмаган ёш оила; деҳқончилик ёки томорқа ҳўжалигини юритаётган;

ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

**Ф.ТҲҲИЕВА, ҳуқуқшунос.**

Mahamadiyev Botirbek Saydali o'g'luga 2023-yil 12-dekabrda berilgan «B,C» toifali AG № 1685270 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

x x x

Сурхондарё вилояти Музработ тумани Бодомзор маҳалласида жойлашган «YANGIOBOD ANHOR» хусусий корхонаси (СТИР 311325198)нинг устав фондини 5000000 сўмга шакллантириш белгиланган эди. Ҳозирги кунда устав фонди 1000000 сўмга шаклланган. Шаклланмаган қисми 4000000 сўмни кредитор ва дебиторларга **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**



Таваллудининг 584 йиллиги олдидан

## НАВОЙИ АСАРЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ

Буюк мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланган. Навоий ижодининг марказида инсон туради. Алломанинг назаридаги инсон ижодкор, билимли, сабрқаноатли, адолатли, меҳнатсевар ва камтарлик каби фазилатларга эга бўлган шахс. Алишер Навоий инсонга унинг ҳаётдаги фаолияти, касб-кори, фойдали ишларига қараб баҳо берган.



Буюк ижодкорнинг барча асарларида қилган инсонга хос сифатлар ёрилган. Жумладан, одоб тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари тахсинга лойиқ, Одоби киши очик юзли, хушмуомала, истараси иссиқ ва ёқимли бўлади. Бундай инсон доимо иззат-хурматга лойиқ, Унинг ютуқ ва эришган натижалари одоб орқали келиши, обрў мисқоллаб йиғилиши ва ботмонлаб тўкилиши мумкинлиги ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқатдир.

Хурматли кишилар халқнинг орасида обрўга сазовор бўлади. Шунинг учун Навоий одамларни инсофли, саховатли, адолатли, ахил бўлишга даъват этади. У эҳсонни улуғлаб: "Эҳсон деган сифатни

абди саодат бил. Кишилик боғининг кўнглига ёқар дарахти эҳсондир. Барча макбул сифатлар ва ҳолатлар эҳсонга қарашлидир, бу сифат ва ҳолатларни у ўз ичига олган ҳамда шунинг ўзида воқеадир..." дейди. Алишер Навоийнинг фикрича, ҳар бир инсон халқига хизмат қилиши ва фойда келтириши керак. Ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўймаслиги лозим.

Халққа иш, сўз ва кўнгли билан фойда келтириш керак. Эл-юрт манфаати учун курашадиган кишиларни ҳақиқий инсон деса бўлади. Ҳазратнинг инсонга муҳаббати ватанга даъват этади. У эҳсонни улуғлаб: "Эҳсон деган сифатни

нида шоир Хиротнинг табиати, тиниқ чашмаларини тоғу тошларини юксак меҳр-муҳаббат билан куйлаган. Асарда Хирот, Миср билан бир қаторда Самарқанднинг тилга олиниши бу кўхна кентнинг дунё тамаддунида ўз ирчи борлигига яна бир бор ишонч уйғотади, қалбларимизни қувонтиради, Ватанга бўлган садоқат туйғусини оширади.

Навоий ҳаётининг эътирофи фаолиятининг эътирофи, шоир вазирилик фаолиятида дўсти номидан фойдаланиб, шахсий манфаатга эришиш, шон-шухрат орттириш, бойлик тўплаш йўлида фойдаланмади. У давлат арбоби сифатида халқ билан мулоқот қилиши, мамлакатда тинчлик ва фаровонликнинг ўрнатилишига жуда кўп ҳаракат қилган. Буларнинг қанчалик амалга ошган-ошмаганидан қатъи назар, Навоийнинг ўз Ватанига муҳаббати, унинг ободончилиги учун қилган хизматлари бизга аён бўлган тарихий ҳақиқатдир.

Навоий, аввало, бутун кучини юрда тинчлик ва оқилолликни ўрнатилишига қаратди. Султон Хусайн Байқор подшоҳлик қилган, Ҳазрат Навоий эса ҳукуматда бош вазир вазифасини эгаллаб турган даврда ҳеч бир мамлакатга қарши бос-

қинчилик уруши олиб борилмади, шоир вақф ишларини тартибга солади.

Инсонпарвар вазир ўрта аср уйғониш даврининг бошқа улуғ зотлари қаторида ҳақиқий инсон қандай бўлиши лозимлигини бутунлай ҳаёти давомида кўрсата олди ва нафақат ўз даври учун, балки бугунги авлодларга ҳам ўрнак бўларли даражада амаллар қилди. У ноҳақлик, адолатсизликка қарши курашди ва амалдорларнинг ўз вазифаларини суъистеъмол қилишлари ва таъмагирликларини фож этиди. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини ўз ҳимоясига олди. Навоийнинг ташаббуси билан ҳаммага тенг хизмат қиладиган биналар қурилади бошланди.

Шоир бутун ижодий фаолиятини инсониятнинг бахти учун курашга, халқнинг осойишталиги, ободончилик ишларига, санъат ва адабиёт ривожига бағишлади. У доим адолатга таянган мамлакат барпо этишни орзу қилди. Унинг бу юксак нияти гарчанд тўлиқ амалга ошмасда, эзгулик йўлидаги амаллари асрлар оша мадҳ этиб келинмоқда. Шоирнинг юксак фазилатларга лим-лим фаолияти, ўзининг ўлмас дурдона асарлари бизни хануз ўзига ром қилади, кўнглиларини завқу шавққа ҳамда ифтихорга тўлдираверади.

**З. МАМАТМУСАЕВА,  
Г. ҚУРБОННАЗАРОВА,  
Музработ политтехникуми  
она тили ва адабиёт ўқитувчилари.**

дан сескини сурув томонга қоча бошлади. Буни кўрган қўйлар галаси жойида таққа тўхтаб қолди. Аналарига етиб олган кўзичоқлар хурсандчилигидан бир-бирига сакраб йўлида давом этишди.

Шодикул чўпон бу тоғларнинг пасту-баландликларини

бўлишини бот-бот таъкидлаётган. Чунки сариштали уй фариштали бўлади. Бировдан камимиз йўқ, худо берган ризқ шукр қиламиз. Кишлогимиз тарқок жойлашган бўлса-да, меҳримиз бир-биримизга яқин, ахил-иноқ яшаб келаямиз. Туй-маъракаларимиз бир-

## ШОДИКУЛ ЧЎПОННИНГ БАХТИ

да одамлар молига ҳужум қилиб қиргин келтиради. Шу боис ҳар бир хонадонда 2-3 тадан бўрибосар итлар сақланади. Одамларнинг бемалол ухлашлари учун бу тунги кўриқчиларнинг ўрни ва вазифаси ниҳоятда катта. Улар ёрдамида чорва моллари ташқи тажовузлардан қўриқланади.

Эрталабки нонушадан сўнг Шодикул чўпон сурувини боқиш учун йўлга отланди. Тоғ этакларидан қўйларни дара бўйлаб ҳайдаб келаётган чўпон қўйлини пешонасига тираб осмону-фалакка термулди. Овулдан унча узоқ бўлмаган Тиллакамар дарасининг учбурчаксимон қоялари устида пайдо бўлган бир парча булуз шаррос ёмғир ёғди.

Халқ тилида "Кийик майдон" деб аталуви бу жойларда эса кўш чарақлаб турибди. Икки хил манзаранинг гувоҳи бўлган Шодикул чўпон табиатнинг бу синоатини зимдан кузатапти.

Хаёлини сурувдан қолиб кетган ёш кўзиларнинг онасини излаб жўр бўлиб мараётган овози бузди. Шунда у сурув олдини тўсишга ҳаракат қилиб қадамни тезлатди. Ёмғир сувларидан ҳосил бўлган жилга ёнидаги харсанг тош бикинида ётган оқ сарик қуён Шодикулнинг оёқ товуши-

яҳши билади. Йигирма йилдан ошди чўпонлик таёғи қўлида. Бу унга ота мерос. Раҳматли отаси Омон бобо ҳам бир умр шу тоғу-тошларни кезиб сурув-сурув қўйларни боққан. Иттифоқ давридаги совхоз, колхоз деган ташкилотларнинг чўпони сифатида юзлаб қўйларни боқиш унинг зиммасида эди.

Болалик чоғлариданок, ёш Шодикул отасига кўмаклашиб қир адирларда, дараларда изидан эргашиб чўпонлик сир-синоатларини ўрганди. Бугун ота касбини давом эттириб, овулдошларининг қўйларини боқиб келмоқда. Кишлоқдошлари билан "энчи" пуллари рўзгор беришига етади.

Шодикул ака Ҳамроев турмуш ўртоғи Майрам Сафарова билан икки ўғил, икки қизни оқ тараб, таълим-тарбия бериб воёга етказди.

Уч фарзандни ўйил-жойли қилди. Бугун улардан кўнглимиз тўқ, Кенжа қизим Рухсора талаба. Пойтахтда Миллий университетнинг тарих факультетига ўқийди. Келин-ноиниғиз билан шириндан-шарқаб набиралар даврасида ўтаётган ҳар бир кунимизга шукрона айтаемиз. Болаларимга, келинларимга очик кўнглим, сархий, сариштали, одоб-ахлоқли

га. Тоғнинг тоза ҳавоси кўйинда умргуздорлик қилиб, юриб-мизда биздан сўрасангиз, - дейди суҳбатимиз асосида Шодикул Ҳамроев. - Юрда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб, эшитиб хурсанд бўламиз. Тинч юрда яшаб меҳнат қилиш, фарзандларнинг ортидан ёмон гап-сўз эшитмай хурмат-иззатда юришга нима етсин!

Дарҳақиқат, оила азал-азалдан муқаддас даргоҳ саналган. Бу даргоҳда улғайиб камол топган ўғил-қизларимиз эл қорига ярайдиган, юрт шаънини ҳимоя қиладиган фарзандлар бўлиб воёга етишади. Шодикул ака Ҳамроев ҳам оиланинг устуни, фарзандларининг тиргаги, шириндан-шарқаб набираларнинг эса севимли бобоси.

Улкан тоғ ён бағирларидан эсаётган совуқ ҳавога ҳамоҳанг оқшом тушиб, куз қуёши сояси ўрнини аста-секин қоронғулик эгаллаб бошлаган маҳал суҳбатимиз ниҳоялини қолган эди. Майрам она бу кезде Шодикул ака ва фарзандлари, невараларини тўқин дастурхон атрофида ширин таомлар билан кутиб ўтирарди.

**Сайдулла ШОБЕРДИЕВ,  
ДХХ Чегара қўшинлари хизматчиси.**

60 ёш — муборак ёш

## Эҳтиромга сазовор

Туманимиздаги 52-умумтаълим мактабининг 1-тоғфали математика ўқитувчиси, малакали педагог ва тажрибали устоз Эркин Жовлиевчи Расулов муборак 60 ёшга тўлди.

Эркин Расулов 1965 йил 3 февралда Шеробод туманининг Қалламозор қишлоғида туғилган. Болалигидан ўқитувчиликни ҳавас қилган бўлса-да, мактабни аъло баҳолар билан тугатган, 1983 йил тенгқурлари қаторидан қолмай, Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига ҳужжат топширди. Билимдоннинг йўли ҳаммиса очик, - имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, талабалик бахтига сазовор бўлди. Олий билим даргоҳида намунали ўқиди. Ватан олдидаги муқаддас бурчидан ўташ учун армия хизматида бўлди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидида ишлади.

Лекин мавриди келиб, болалигида ота касбга уйғонган



ҳавас Эркин Расуловни муқаддас даргоҳ — мактаб сари чорлади. Шу орада 2007-2011 йиллар Термиз давлат университетида сиртдан таҳсил олди. Севимли мактаб — математикадан билимларини янада боийтишга киришди. Назария ва амалиётнинг қоришиқлиги унинг ўз фанини мукаммал эгаллаши, қолаверса, устознинг шоғирдлари учун идеалга айланганида муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилари фан

олимпиадаларида муносиб ўринларни эгаллашди. Жумладан, шоғирдларидан Самандар Ҳақбердиев тумандаги 49-оилавий шифокорлик поликлиникаси мудир лавозимида ишлаётган бўлса, Бобомурод Саидмуродов устози изидан бориб, дорилфунунда математика сир-синоатларини ўрганапти.

Эркин Расулов уйда намунали оила бошлиғи, меҳрибон ва гамхўр, айни пайтда талабчан ота. Турмуш ўртоғи Гулзабо Саидмуродов ўзига ҳамкасб, мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлган, ҳозирда пенсияда. Оилада 5 нафар, 2 ўғил, 3 қиз тарбияланиб воёга етган, 9 нафар неварани ҳам бобоси ва моможонининг ардоғида.

Биз муқтарам ҳамкасбимиз Эркин Жовлиевчини, кутлуг 60 ёшга тўлишга муносибати билан табриқлаймиз. Устозга сийҳат-саломатлик, узоқ йиллар кекаслик гаштини суришларини тилаймиз. Хар доим эл-юрт орасида хурмат-эҳтиромда бўлишларини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

**Хурмат билан 52-умумтаълим мактаби жамоаси.**

Огоҳ бўлинг!

## Ёнғин — бу фавқулодда вазият

Азал-азалдан ёши улуғларимиз «Ўт балосидан, сув балосидан ўзини асра», деган ҳикмати иборани бот-бот такоррорлашларида жуда катта маъно бор. Чунки оловни беҳиз «Тилсиз ёв» дейишмайди. У кутилмаган вақтда, оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган ҳолда содир бўладики, алангаланиб ёнаётган оловни бартараф этиш учун «101» рақамига кўнгирак қилиб, ёнғин ўчирувчилардан наҳот кутишдан ўзга чора қолмайди.

Ёнғин ҳам фавқулодда вазиятнинг инобатга олган холда оловни ўчиришда машаққатли касб эгаларининг биринчи галдаги вазифаси

офатнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдан иборат. Киш фаслида об-ҳавонинг кескин совиб кетиши натижада фуқаролар томонидан газ ва турли хилдаги электр иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиши оқибатида ёнғинлар сони кескин ортиши кузатилади. Маҳалалар, кўп қаватли уйлар, таълим-тарбия ва даволаш муассасалари ҳамда корхоналарда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли тарғибот ишларига қарамасдан, турли хилдаги электр иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиши оқибатида тан жароҳати олиш, ёнғинларда инсонларнинг ҳатто

ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатилиб келинмоқда. Инсонларнинг бепарволиги ва ёш болаларнинг шўхлиги оқибатида ёнғин, портлаш ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Хурматли юртдошлар! Хонадонларингизда ва хизмат жойингизда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилинг. Бу орқали ўзингизни ва фарзандларингизни, уй рўзгор анжомларингизни ҳамда давлат мулкни ёнғин балосидан сақлаб бўласиз.

**Х.МИРЗАЕВ,  
Музработ тумани ФВБ бошлиғининг ўринбосари, капитан.**

## ОШҚОЗОНДАГИ МАГНИТ МАЙДОНИ

Кулмат билан Гулмат қалин дўст. Улар бир-бирини кўрмаса туролмайдиган даражада ахил, иноқ. Агар Кулматнинг ҳарбий хизматда, Гулматнинг ўқишда бўлиши ҳисобга олинмаса қадрдонлар ҳеч қачон узоқ вақт ажрашмаган дейиш мумкин. Тақдирнинг яна бир келиштиригани қарангки, иккиси ҳам бир оиладан уйланнишди, яъни божа бўлишди. «Хотин оғайин — яқин оғайин» дейишадими. Ҳа, балли. Икки ошона ўртасидаги азали қадрдонлик янаям мустаҳкамланди. Бир сўз билан айтганда, туб кўйиб палак ёзди.

Ана шундай фараҳбахш кунларнинг бирида Гулмат ишга кетатуриб божасиникига бирров бош суқди. Қарасан илгариги «бир қоп ёнғок шўх-шалойим» Кулматдан асар ҳам йўқ. Тикбоши эгик, қовоқ тумшук пастда.

«Ҳа, божа нима гап? Тинчликми ишқилиб?—сўроққа тутди Гулмат юраги пўкиллаб.

«Хе, сўрама. Ола сигирга бир бало бўлган, - Кулмат оғир хўрсинди. - Ҳамкасбинг Чорига кўрсатгандим. «Михми, симнинг бўлагини ютиб юборган» деяпти. Нима қиларимни билмай ўтирибман.

«Э, унинг чораси топилади, - деди Гулмат ҳозиржавоблик билан. - Мен ишлаётган фермерликда махсус магнит бор. Ҳозир олиб келаман. Уни сигирга юттирсак, мол ичидидаги бор темир-терсақни йиғишти-

(Ҳажвсия)

риб чиқаради. Қайғуриб ётма, божагинам. Алҳол Гулмат сўзининг ус-тидан чиқди. Орадан бирор соат ўтмасдан айтган матоҳини ва унга қўшиб яна бир ҳамкасбини эргаштириб келди. Учови сигирга емишга қўшиб магнитни едиришди. Говмиш жонивор ҳам буларни кўп маҳтал қилдиргиси келмадими тоғарадаги кун-жараю кепакни икки ямлаб бир ютди.

«Ана бўлди, - деди Гулмат оғзи қулоғига етиб соатига қараркан. - Ҳозир магнит ошқозонга тушади. Кейин нима шлак бўлса ёпиштириб олиб чиқади. Сен қайинсингилга айт, дастурхонни қуюқ қилаверсин.

Кулматнинг ҳам бу гапдан димоғи чоғ бўлиб ишшайди. Икки мол дўхтирининг айтгани бўйича вақт ҳисоби бўлгач, ютирилган магнитни чиқариб олишга киришишди. Кулмат сигир шохидан маҳкам ушлаб турди. Гулмат эса магнит ипини тортиди. Фалокат оёқ остида деганлари бекорга айтилмаганда. Ип аввал таранглашди, кейин шартта узилиб кетса бўладими.

«Ух, -деб юборди шерик дустир. - Маг... магнит! Энди нима бўлади? Зўра олганди-ма. Хўжайиндан бир балога қоладиган бўлдим. -Нима бўларди тапписига

қўшилиб тушади. Магнитни ҳазм қилиб юборолмайдик, - деди Кулмат ўзиниям, дўхтирлариям хотиржам қилиш учун. «Қошки шундай бўлса, - дея Гулмат ҳам безовталаниб қолди. - У сабил ҳисобда турарида. Бўлмаса садқаи сар дердик.

Узоқ муҳомалардан сўнг Кулматга сизгидан кўз-қулоқ бўлиб туришни, агар магнит топила эҳтиётлаб олиб қўйишни тайинлаб дўхтирлар шалвираган куйи чиқиб кетишди.

Эртасигаям индинияям «халоскор» магнитдан дарак бўлмади. Унинг тушишни пойлавириб Кулматнинг тоқати тоқ бўлди. Қайтасига сигир жонивор бора-бора ҳеч нарса емай қўйди. Устига устак икки дўхтир кунига икки уч марта «хабарлашиб» безор қилиб юборди. Магнит ютирилганининг тўртинчи куну Кулмат моллини сўйдирди. Қассоб сигирини саришталар экан, унинг биринчи қилган иши қоринни ёриб кўриш бўлди. Шу паллада ҳабар топгандай божаси ҳам етиб келди.

«Қани магнит? Топилдими? - деб сўради у ховлиқанча салом-алиқаниям насия қилиб.

«Топилди. Кўнглинг тўқ бўлсин, - Кулмат тантана билан нажасга баланган матоҳни кўрсатди ва дарвоза томон улоқтирди. - Энди кутулдимми?»

**М.ХОЛМИРЗАЕВ.**

Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## HISOBOTLARNI O'Z VAQTIDA TOPSHIRING

2024-yil yakuni uchun taqdim etiladigan 1-NNТ shakli (yillik) Tashkiliy-huquqiy shakli jamoat birlashmasi, jamoat fondi, muassasa, uyushma (ittifoq) bo'lgan nodavlat notijorat tashkilotlar, xalqaro va chet el nodavlat notijorat tashkilotlarining vakolatxona va filiallari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari 2025-yilning 4-martidan kechiktirmay;

1-KB shakli (yillik) statistika hisobotini kichik korxon va mikrofirmalar (chet el investitsiyalari va xorijiy sarmoya ishtirokidagi korxonalaridan tashqari) 2025-yilning 10-martidan kechiktirmay;

1-FX shakli (yillik) statistika hisobotini fermer xo'jaliklari 2025-yilning 10-martidan kechiktirmay;

1-Notijorat shakli (yillik) notijorat tashkilotlar (jamoat birlashmalari, ijtimoiy fondlar, nodavlat muassasalar, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari va xususiy uy-joy mulkdorlarining shirkatlari (XUJMSH), Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining umumta'lim muassasalaridan tashqari), tuman (shahar) maktabgacha va maktab

ta'limi bo'limlarining umumta'lim muassasalari yig'ma hisobotini 2025-yilning 14-martidan kechiktirmay statistika organlariga elektron shaklda taqdim etishlari shart.

Yuqorida qayd etilgan yillik hisobotlarni **my.stat.uz** saytidan shaxsiy kabinet orqali **Estat-4.0** ilovasidan elektron shaklda hisobot taqdim etishlari mumkin.

Statistika hisobotlarini o'z vaqtida taqdim etmagan yoki noto'g'ri taqdim etgan korxon va tashkilot rahbarlari va mas'ul xodimlariga nisbatan O'zbekiston Respublikasining "Rasmiy statistika to'g'risida"gi Qonunining 40-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi "Ma'muriy javobgarlik to'g'risida"gi Kodeksining 215-moddasiga asosan ma'muriy javobgarlik choralari ko'rilishi to'g'risida ogohlantirilmay.

**Muzrabot tumani statistika bo'limi ma'muriyati.**

**Tel:** 90-7465032, 94-4640709, 91-9012926, 95-0979390.

MUZRABOT

MUASSISLAR:  
Xalq deputatlari  
Muzrabot tumani Kengashi  
va tuman hokimligi

Muharrir  
Abdusalom YO'LDOSHEV

Tahririyat manzili:  
191300. Muzrabot tumani, Alqobod qo'rg'oni,  
Amir Temur ko'chasi, 38-uy.  
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan. ISSN 2181-7006.

Buyurtma G-2320 nusxada bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoyimardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev. Navbatchi S.Qulboyev.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy. Topshirish vaqti — 14-00. Topshirildi — 14-00

## Ota-ona

*Yuragim to'rida yashagan bog'im,  
Quvonchim, suyanchim hamda qarog'im.  
Umrinning mazmuni, hayot gultoji,  
Otamdir, onamdir qalbim ardog'i.*

*Qancha e'zozlasam, sizni, kam bo'lar,  
Yana nelar qilsam ko'nglingiz to'lar.*

*Poyingiz tabarruk, umringiz aziz,  
Shoira qizingiz vasingiz kuylar.*

*Sizgadir eng yaxshi tilagim, otam,  
Siz mening hayotda keragim, onam.  
Baxtinga sog' bo'ling, har dam, iohim,  
Qalqonim, qanotim, yakka-yagonam.*

**Xolnisa JOVMUROVA,  
24-maktabning 9-sinf o'quvchisi.**